
	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлигининг бошқа вазирлик ва идоралар билан соҳага оид вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ТАРТИБИ	Хужжат белгиси:	06
	Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1

“Ўзстандарт” агентлигининг
2020 йил “30” октябрдаги
103-сон буйруғига
6-илова

**“Ўзстандарт” агентлигининг бошқа вазирлик ва идоралар
билан соҳага оид вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро
ҳамкорлик қилиш
ТАРТИБИ**

	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлигининг бошқа вазирлик ва идоралар билан соҳага оид вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ТАРТИБИ	Хужжат белгиси:	06
	Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1

I. Умумий қондалар

1. Мазкур Тартиб “Ўзстандарт” агентлигининг (*кейинги ўринларда – Агентлик*) бошқа вазирлик ва идоралар билан коррупцияга қарши курашиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Агентлик ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар маҳкамаси қарорлари ҳамда ушбу Тартиб асосида амалга оширилади.

3. Мазкур Тартиб Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Агентлик ўртасида ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида, агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймаслик бўйича ҳамкорлик шакллари ҳамда тизимли ахборот алмашинувини йўлга қўйишни назарда тутди.

4. Агентлик ва унинг тизим ташкилотларини бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлиги мазкур тартиб асосида амалга оширилади.


II. Ҳамкорлик шакллари

5. “Ўзстандарт” агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

ҳамкорликда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни тарғибот ва профилактика ишларини ташкил этиш;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг сўровига асосан коррупцияга қарши текшириш ва тафтишларда Агентлик ходимларини мутахассис сифатида жалб қилиш;

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва агентлик ўртасида ахборот алмашинувини тизимли равишда йўлга қўйиш;

	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлигининг бошқа вазирлик ва идоралар билан соҳага оид вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ТАРТИБИ	Хужжат белгиси:	06
	Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1

6. Агентлик ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймаслик ва бу борада амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни риоя этилиш;

коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш; Бунда:


агентлик ва тизим ташкилотларининг фаолияти ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг агентликда коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

тасдиқланган режага мувофиқ самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида агентлик тизимидаги функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;

ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида агентлик ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш ва ҳ.к.

коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра агентлик ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш ишларини мунтазам равишда амалга ошириб боради.

	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлигининг бошқа вазирлик ва идоралар билан соҳага оид вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ТАРТИБИ	Хужжат белгиси:	06
	Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1

III. Ахборот алмашинуви

7. Агентлик, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ва бошқа вазирлик ва идораларга коррупцияга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган норматив ҳужжатлар, жумладан, халқаро, давлатлараро, давлат стандартлари, шунингдек, амалда бўлган O’z DSt ISO 37001:2019 (ISO 37001:2016, IDT) “Пора олиш-бериш билан курашиш менежменти тизимлари. Фойдаланиш бўйича талаблар ва қўлланма” давлат стандартига киритилган ўзгартиришлар бўйича хабар бериб боради.

8. Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан хисоботларни даврий равишда киритиб боради;

9. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш маълумотлари:

агентлик ва тизим ташкилотларининг фаолияти, тузилмасидаги ўзгаришлар;


тасдиқланган режага мувофиқ, агентлик ва тизим ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини ўрганиш натижалари (шу жумладан, қўлланилган таъсир чоралари ҳақидаги маълумотлар);

коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига (зарур ҳолларда);

томонларнинг сўровига асосан тегишли маълумотларни бир - бирига дарҳол ёки сўровномада кўрсатилган муддатда тақдим қилади.

10. Томонлар ўртасидаги ахборот алмашинуви замонавий ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали электрон ёки қоғоз шаклида амалга оширилади.

11. Мавжуд қонун бузилиши ҳолатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида келиб чиқадиган тизимли муаммолар ҳамкорликдаги идоралараро мажлисларда муҳокама қилиб борилади.

	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлигининг бошқа вазирлик ва идоралар билан соҳага оид вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ТАРТИБИ	Хужжат белгиси:	06
	Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1

IV. Коррупция аломатлари аниқланган хужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш

12. Агентлик томонидан ўтказилган ички аудит, мониторинг, баҳолаш ишларида коррупция аломатлари аниқланган тақдирда тегишли маълумотларни улар расмийлаштирилгандан 5 иш кунидан кечиктирмасдан амалдаги қонунчиликка мувофиқ қонуний қарор қабул қилиш учун Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборади.

13. Коррупция аломатларини аниқлаш, агентликнинг ички хужжатларида белгиланган мезонларга асосан амалга оширилади:

14. Агентлик томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига маълумотлар ички хужжатларда назарда тутилган тартибда юборилади:


15. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг сўровига кўра ички аудит, мониторинг, баҳолаш ишларида аниқланган коррупция аломатларига тааллуқли бўлган бошқа хужжатлар ҳам тақдим қилинади.

16. Мониторинг ва баҳолаш ишларида коррупция аломатлари аниқланган тааллуқли хужжатлар Агентликнинг кузатув хати билан юборилади.

17. Мониторинг ва баҳолаш ишларида коррупция аломатлари аниқланган материаллар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топшириғига кўра, ушбу органларнинг тегишли бўлинмалари (бошқармалари) томонидан кўриб чиқилади.

18. Тақдим этилган материал юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ қарор қабул қилинади.

19. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари коррупция аломатлари аниқланган ҳолат

	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлигининг бошқа вазирлик ва идоралар билан соҳага оид вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш ТАРТИБИ	Хужжат белгиси:	06
	Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1

юзасидан қабул қилинган якуний қарор ҳақида уч кунлик муддатда Агентликни ёзма равишда хабардор қилади.

20. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки камчиликлар мавжуд бўлганда беш кунлик муддатда уларни Агентликка қайта расмийлаштириш учун қайтариши мумкин.

Ўн кунлик муддатда тақдим этилган ҳужжатлардаги камчиликлар бартараф этилиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қайта тақдим этилади.

V. Якуний қоидалар

21. Ходимлар томонидан мазкур Қоидаларга риоя қилиш муҳим касбий компетенция сифатида қаралади ва бошқа мезонлар қаторида лавозимини кўтариш, фаолиятини баҳолаш ва ҳ.к.ларга хизмат қилади.

22. Агентлик ва тизим ташкилотларининг ходими томонидан мазкур Қоидаларнинг бузилиши уни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин.